

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МЕХАТРОНИКА ВА РАБОТОТЕХНИКА”
йўналиши**

**“МЕХАТРОН ВА РАБОТОТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИНГ
ИНФОРМАЦИОН ҚУРИЛМАЛАРИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“МЕХАТРОНИКА ВА РАБОТОТЕХНИКА”

йўналиши

**“МЕХАТРОН ВА РОБОТОТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИНГ
ИНФОРМАЦИОН ҚУРИЛМАЛАРИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ -2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДТУ “Мехатроника ва робототехника” кафедраси доценти, т.ф.н. Алимова Н.Б.

Такризчи: ТДТУ доценти, т.ф.н. Назаров Х.Н.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.Ишчи дастур.....	5
II.Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	11
III.Назарий материаллар.....	23
IV.Амалий машғулотлар материаллари.....	62
V. Кейслар банки.....	73
Глоссарий.....	78
VII. Фойдаланилган адабиётлар	79

I.ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад ққиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади

Ушбу дастурда роботлар, робототехник ва меҳатрон тизимларнинг информацион қурилмаларига оид долзарб ва истиқболли масалалар, уларни ўқитиша илғор компьютер технологияларидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмалари” модулининг мақсади:

Мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларига оид долзарб муаммолар, информацион қурилмаларнинг моҳияти, меҳатрон ва робототехник тизимларни информацион қурилмаларининг асосий вазифалари, бирламчи ўзгартиргичлар, кучайтиргичлар, датчиклар ва уларнинг чиқишлиаридағи сигналларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва меҳатрон ва

робототехник тизимларни лойихалашда информацион қурилмаларни танлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

“Мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмалари” модулининг вазифалари:

- мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларига оид долзарб муаммолари;
- бирламчи ўзгартиргичлар ва кучайтиргичлар;
- информацион қурилмаларнинг асосий вазифалари;
- информацион қурилмаларнинг параметрлари ва уларнинг хусусиятлари;
- информацион қурилмаларни танлаш;
- мехатрон ва робототехник тизимларни лойихалаш жараёнида уларнинг информацион қурилмаларни танлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларига оид долзарб муаммоларни;
- информацион қурилмаларнинг моҳияти, замонавий датчикларни таҳлил қилишнинг асосий вазифаларини;
- информацион қурилмаларнинг структурасини;
- информацион қурилмаларни танлашга тизимли ёндашишни;
- датчикларнинг асосий кўрсаткичларини;
- физик катталикларни ўлчаш усуулларини таҳлил қилишни;
- датчиклар сигналларини кучайтириш ва фильтраш асосларини *билиши*керак.

Тингловчи:

- информацион қурилмаларни робототехник ва мехатрон тизимлар конструкциясига жойлаштириш;
- датчикларни рақамли ва аналог сигналларини бирламчи қайта ишлаш қурилмаларини лойихалаш;
- датчиклар ва сенсорлар элементлар базасини оптимал танлаш;
- датчиклар ва сенсорларни мехатрон ва робототехник тизимларда қўллаш;
- контактли ва kontaktsiz датчиклар ишлаш принципини таҳлил қилиш;

- замонавий мекатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларинитадбиқ этишкүнилмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- конструкциялаш усулларини қўллаш;
- турли хилдаги қурилмаларни конструкцияси ва тизимларига бўлган талабларни аниқлаш;
- информацион қурилмаларни лойихалаш;
- информацион қурилмаларни таҳлил ва синтез қилиш;
- датчилар ва сенсорлардан фойдаланиш;
- контактли датчилар, позицион датчилар, оптик ва видео назорат тизимларидан фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- мекатрон ва робототехник тизимларининг информацион қурилмаларини лойихалашга тизимли ёндашиш;
- информацион қурилмаларни таҳлил қилиш;
- информацион қурилмаларни лойихалаш жараёнини режалаштириш;
- информацион қурилмаларни танлаш;
- “Мекатрон ва робототехник тизимлар” йўналиши фанларини ўқитишга инновацион технологияларни жорий этиш;
- “Мекатрон ва робототехник тизимлар” йўналиши бўйича информацион қурилмаларни яратиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мекатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмалари” модули ўқув режадаги қўйидаги фанлар билан боғлиқ: “Роботлар ва робототехник тизимлар” ва “Мекатрон ва робототехник тизимларни бошқариш”.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мекатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларини лойихалаш, уларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларининг асосий вазифалари, турлари ва хусусиятлари	6	2		4
2.	Оптик датчиклар, энкодерлар, босим, температура, тезлик, тезланиш ва бошқа катталикларни ўлчовчи информацион қурилмалар, видеодатчиклар, видеокамералар ва интеллектуал датчиклар	4	2	2	
3.	Видеодатчиклар ва видеокамералар	2		2	
4.	Интеллектуал датчиклар	2		2	
Жами:		14	4	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларининг асосий вазифалари, турлари ва хусусиятлари

Адаптив роботнинг асосий ташкилий қисмлари. Адаптив роботнинг хоссалари. Информацион қурилмаларнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари. Бирламчи ўзгартиргичлар, датчиклар, кинестетик датчиклар, ҳолат датчиклари, силжиш датчиклари, тактил датчиклар.

2-мавзу: Оптик датчиклар, энкодерлар, босим, температура, тезлик, тезланиш ва бошқа катталикларни ўлчовчи информацион қурилмалар, видеодатчиклар, видеокамералар, интеллектуал датчиклар.

Оптик датчиклар, энкодерлар, босим, температура, тезлик, тезланиш ва бошқа катталикларни ўлчовчи информацион қурилмалар ишлатилиш соҳалар, тузилиши. Техник кўриш тизимлари. Техник кўриш тизимларининг синфланиши. Видеодатчиклар. Videokameralar. Интеллектуал датчиклар. Уларнинг турлари ва бажарадиган функциялари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Оптик датчиклар, энкодерлар, босим, температура, тезлик, тезланиш ва бошқа катталикларни ўлчовчи информацион қурилмалар ишини ўрганиш.

Оптик датчиклар, энкодерлар, босим, температура, тезлик, тезланиш ва бошқа катталикларни ўлчовчи информацион қурилмалар ишлатилиш соҳалар, тузилиши билан танишиш.

2-амалий машғулот: Видеодатчиклар ва видеокамераларнинг ишлаш тамойиллари билан танишиш.

Техник кўриш тизимлари. Техник кўриш тизимларининг синфланиши. Видеодатчиклар. Videokameralarning ishlash tamoyillari bilan taniishi.

3-амалий машғулот: Интеллектуал датчикларнинг ишлаш тамойиллари билан танишиш.

Интеллектуал датчиклар. Уларнинг турлари ва бажарадиган функциялари билан танишиш.

КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мехатрон ва робототехник тизимларнинг информацион қурилмаларининг асосий вазифалари, турлари ва хусусиятлари

Кўчма машғулотда тингловчиларни ТДТУ нинг “Мехатрон ва робототехник тизимлари” кафедрасининг лаборатория хонасида ташкил этиш кўзда тутилган.

Таълимни ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўкув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўкув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гурухларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гурухларда ишлаш – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурухларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гурухни кичик гурухларга, жуфтликларга ва гурухларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гуруҳли ишўқув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади. Табақалашган гуруҳли иш гурухларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутади.*

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим оловчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


Замонавий педагогик технологиянинг “Йўналтирувчи матн” усули


Йўналтирувчи матн усули «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенау шаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau)) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқарган. Бу усул товуш ва тасвири презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-хунар таълимига кўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошланғич шаклида бу усул касб-хунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарган кейинчалик эса назарий жиҳатдан асосланиб илмий асосда такомиллаштирилиб олий таълимда қўлланила бошланган.

1. Йўналтирувчи матн усулида қўйидаги 6 босқич фарқланади; улар доирасимон ҳаракатда алмашишади:

Йўналтирувчи матн усули





1. Маълумот йиғиши
2. Режалаштириши
3. Қарор қабул қилиши
4. Амалга ошириши
5. Текшириши
6. Холоса чиқариши

Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойихалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлешлари туфайли бутун гурӯҳ учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир ўқувчи ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир ўқувчи айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равища ўтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барibir барча маҳсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб жадвал инструкция видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу ўқувчи кўпроқ мустақил равища ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ

талабалар билан кўпроқ шуғуланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида қўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ қўникма ва қобилиятлар соҳасида яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайян ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлди. Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятларни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Ҳозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилиятлар қўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-хунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга қўшимча сифатида барча бошқа касб-хунарларда керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни билдиради.

Булар орасида - мустақил режалаштириш амалга ошириш ва ўз ишини текшириш.

4 погона усули билан солиштирадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; ўкувчилар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар


Таълим мақсади - мустақил ҳаракатланиш. Германияда таълимнинг энг муҳим мақсади - талабани малакали касбий фаолиятни бажаришга қодир қилиш, бунинг ичига эса мустақил режалаштиришни амалга ошириш ва текшириш киради.

Албатта мутахассислар бундай кенг малакага уларнинг иш жойидаги шарт-шароитлар ва имкониятлари доирасида жавоб бера оладилар.

Шу боис мустақил режалаштириш амалга ошириш ва текшириш деганда мутахассиснинг корхонадаги фаолият ваколатлари билан адаштириш мумкин эмас.

Мустақил ҳаракат қилиш дегани шуни англатадики мутахассис унга топширилган ишларни мустақил равишда яъни бирорнинг бошқариб туришисиз амалга ошириши керак. Масалан бирор ишни бошлашдан олдин иш тартибини режалаштириш ишлаб чиқариш усулини белгилаш ёки керакли материалларни танлаш ва иш тутатилганидан кейин натижага сифати контролини ўтказиши.

Бундан ташқари мустақил ва маъсулиятли ишловчи мутахассислардан кутиладиган нарса шуки улар иш тартибини иқтисодий мезонлар асосида яъни тежамкорлик асосида режалаштириш ва амалга оширишлари керак. Яъни улар масалан тежамли ишлаб чиқариш усулларини ишлатиш материаллардан ёки энергиядан тежамли фойдаланиш усулларини билишлари керак.



Корхонада ўқув жараёнида ҳаракатланиш» ўқув мақсаднинг эришилиши фақат тасодифан бўлишига йўл қўйилмайди. Бу малакани систематик равишда ўргатиш таълим амалиётининг доимий омили бўлиши лозим.

Мустақил ҳаракатланиши ривожлантириш таълимнинг биринчи куниданоқ унинг таркибий қисми бўлиши лозим. Бунинг учун топшириқларни бажаришда режалаштириш ва текшириш вазифалари киритилиши лозим.

Мукаммал ҳаракат модели

Мукаммал ҳаракат модели - мустақил касбий ҳаракатланиш модели деб ҳам аталган модель - таъриф сифатида касбий-техникавий соҳада учрайдиган кўплаб иш фаолиятларига мос келади. Масалан мақсад кўринарли ўлчанаарли натижалардан иборат бўлган ҳолларда. Бу модель бир касбий ҳаракатни 6 та алоҳида ҳаракат босқичларига бўлади.

Мукаммал ҳаракатни амалга оширилишининг ўзи ўрганиш билан тенг деб ҳисобланади. Педагогик муаммо шундан иборатки ҳар бир алоҳида босқич бўйича бир стратегияни танлаш керакки ўқувчи ҳам хаёлида (хаёлда синов сифатида ҳаракатни бажариш) ҳам амалда мукаммал ҳаракатларни бажариши таминланиши керак.

Йўналтирувчи матн усули бу муаммони шундай ҳал қиласди: бу усул хаёлда бажариладиган жараёнларни деярли ташқарига чиқаради. Яъни одатда фақат хаёлда бўлиб ўтадиган нарсалар бу усул бўйича ёзилиши ёки овоз чиқариб айтилиши керак.

Шунинг учун бу ерда бир неча тескари алоқа жараёнлари мавжуд.

ўтказилаётган
«мустақил
деб аталган

«Маълумот йиғиши» (1) «Режалаштириши» (2) «Амалга ошириши» (4) ва «Текшириши» (5) босқичларини ўкувчи дейярли бутунлай ўзи ёки кичик гурухларда бажариши мумкин. «Қарор қабул қилиши» (3) ва «Хулоса чиқариши» (6) босқичларида эришилган натижалар эса амалиёт ёки назариёт ўқитувчилари билан батафсил муҳокама қилиниши керак.

Ўкув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши ўқитувчиларни иложи борича кўпроқ мустақил ўрганишга туртки беради. Ўқитувчиларга «Маълумот йиғиши» ва «Режалаштириши» босқичларида ёзма хужжатлар масалан техник чизмалар жадваллар эслатмалар йўрикномалар ёки ўқитувчи ўзи тузган хужжатлар берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай хужжатлар мустақил ўрганиш жарааёнини жуда яхши кучайтиради.

Амалиёт ўқитувчиси ўқув жараёнидаги модератор ролини ўйнайди яъни у ҳар бир босқич учун керакли маълумот материаларини тайёрлайди ва талабаларга мустақил маълумот йиғишида ёрдам бераб туради. У талабаларни аниқ мақсадга қаратилган иш-ҳаракат қилишига туртки беради ўқитувчининг прогрессини назорат қиласи ва ўқитувчилар билан биргаликда ўрганишдаги нуқсонларни бартҳараф этиш йўллари ҳақида ўйлади.


Талаба эса ўз таълим мининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас балки бажариладиган топшириқ учун керакли барча маълумотларни йиғади ўз иш тартибини ва керакли вақтни ўзи режалаштириди ва қолаверса ўз иш натижасини ўзи баҳолайди. Буларнинг ҳаммасини ўқувчи битта ўзи қилиши мумкин ёки бошқа ўқитувчилар билан биргаликда бажариши мумкин бу эса мақсадга ниҳоятда мувофиқ бўлади.

Ўқитувчилар шундай роль ўйнашлари ва ўзларини шундай тутишлари «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятлар ривожланишига жуда ҳам катта ёрдам беради, яъни мустақил ўрганиш мулоқот тузиш жамоада ишлаш ва энг муҳими ўз натижаларини ўзи баҳолаш ва иш-ҳаракатларини режалаштириш каби қобилиятларини ривожлантиради.

Лойиха усули

Лойиха усули йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлиқ чунки йўналтирувчи матн усули ишлаб чиқарилганлиги-нинг сабаби лойихалар устидаги ишларда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўлган.

Йўналтирувчи матн усули бугунги кунда шундай соҳаларда қўлланилмоқдаки у ерда ҳеч қандай лойиха ҳақида гап кетмайди. Лекин лойиха усули хусусан лойихалар билан ишлашни ўрганиш ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида такоммилаштирилди.




Ҳозирги кунда бу иккита усулни бир биридан қўйидаги нуқтаи назардан фарқлашади:

- йўналтирувчи матн усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;
- лойиха усули мустақил ўрганиш мақсадидан ташқари эътиборни керакли шахсий қобилияtlар ва кўникмаларни ўрганишга қаратади (яъни пойдевор квалификацияларга) чунки бу квалификациялар корхона ва фирмаларнинг амалиётида учрайдиган меҳнатни ташкиллаш-тириш шаклларига асосланган.

Лойиха усулининг концепцияси фирма ва кичик корхоналарнинг малакали ишчи-мутахассисларга қўйилган замонавий талабларига тўлароқ жавоб бериш мақсадида такомиллаштирилади. Чунки бугунги кунда меҳнат бозори нафақат юқори даражада таълим олган ишчи-мутахассис ва хунармандларни талаб қилмоқда. Бу ишчи-мутахассислардан ўз касб-хунари бўйича билим-кўникмаларидан ташқари ижтимоий ва шахсий компетенциялар соҳасига тегишли шахсий қарашларга эга бўлишлари талаб қилинмоқда. Бундай компетенциялар эса аффектив компетенциялар соҳасига тегишли компетенциялардир.

Бу дегани мутахассислар ўз касб-хунарларига оид билим-кўникмалардан ташқари мисол учун қўйидаги қобилияtlарга эга бўлишлари лозим:

- ташаббус кўрсатиш;
- муаммоларга систематик ёндашиш;
- қарорларни мустақил қабул қилиш;
- мосланувчан бўлиш;
- бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- доим малакасини оширишга истагини кўрсатиш;
- хамкорликка тайёр ва маъсулиятли бўлиш.



Пойдевор квалификациялар замонавий меҳнат шароитларида якка тартибда ишлашда ҳам бошқалар билан биргаликда фаолият шаклларида ҳам талаб қилинади. Бунинг сабаблари - бетўхтов ривожланиб бораётган янги технологиялар саноат ва ҳунармандлик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларида юз берган ташкилий шакллардаги ўзгаришлардир.

Лойиҳа усулининг мақсади шуки унда талабалар бу квалификацияларни кейинчалик амалиётда яъни ишга киргандаридан кейин эмас балки касб-хунар таълими доирасида ўрганиб олишларидир. Шунинг учун ҳам бу квалификацияларни касбий малака билан биргаликда иложи борича теппантенг ривожлантириш лозим.

Лойиҳа усули хусусан «SIEMENS AG» (Сименс) корхонасида кенг кўламда ва яхлитлик нуқтаи назардан такоммиллаштирилди ва унга бу ерда «Projekt- und transferorientierte Ausbildung» (қисқартмаси PETRA) деган ном берилди яъни «Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим». қўйидаги мавзулар айнан шу концепцияга асосланган ҳолда таърифланади.

Бу усульнинг хусусияти шуки ҳар хил ҳужжатлар ва формулалар ишлатилиши керак. Негаки улар лойиҳа давомида барча поғоналарни қайд этиш учун ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти учун керакдир.

Бу ҳужжатлар ва формулалар амалиёт ўқитувчиси томонидан ўқитувчиларга тўлдириш учун берилиши лозим.

Керакли ҳужжатлар ва формулалар қандай ва қанча бўлиши ҳар бир лойиҳа хусусиятлари асосида белгиланиши лозим. Лекин бу талабалар баъзи бир уларга керак бўлган ҳужжатларни ўзлари ишлаб чиқарилари ҳам мумкин.

Ҳар ҳолда керак бўладиган ҳужжатлар ва формулалар бу:

- лойиҳа (чизмалар электросхемалар);
- лойиҳага тегишли топшириклар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар «Маълумот йиғиши»дан бошлаб - лойиҳа ишининг барча 6 даври (фазалари) бўйича;

- Ўқув мақсадлар хақида маълумотлар (Режалаштириш варағи - шу жумладан танланган пойдевор квалификациялар таърифи);
 - ишлаш тартиби бўйича формула;
 - вазифаларни тақсимлаш бўйича формула;
 - иш режаси формулаи;
 - баҳолаш варағи формулаи;
 - назорат протоколлари формулаи;
 - инструментлар рўйхатлари ўлчаш воситалари рўйхатлари ёрдамчи материаллар рўйхатлари;

Лойиха усули доирасидаги ҳаракатлар

Лойиха усули бутун амалий таълим жараёни доирасида қўлланиши мумкин.

Бунинг учун зарур шарт-шароит лойихалар борлиги; лойихалар қуидаги бўлиши керак:

1) Аниқ чекланган топшириқ масалан бирор нарсани режалаштиришдан бошлаб то сифат текширишгача ишлаб чиқариш ёки бирор электросхемани оптималлаштириш ишлаш тартибининг таърифи билан бирга;

2) Ўқитувчилар нуқтаи назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у талабалардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак; талабалар қийинчиликларни ҳал қилишлари ва мавжуд билимларидан ташқари бошқа билим-кўникмаларини ишлатишга мажбур бўлишлари керак;

3) Ўзлаштирилган квалификациялар ҳар хил ўқув жойларда шундай бириктирилиши мумкинки янги топшириқ бажарилиши мумкин бўлади - режа асосида ва иложи борича мустақил ҳаракатланиш талаб қилинади.

Лойиха (лотинча: projectum - олдинга ташлаб юборилган нарса) ўрганишга хизмат қилиши назария билан амалиётни боғлаши корхонада учрайдиган бирор иш жараёнига таалуқли бўлиши талабалар томонидан иложи борича мустақил режалаштира олининадиган ва талабалар томонидан чекланган бир доирада мустақил равишда ташкиллаштиришни ва амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Бунда талабалар ўзларининг касбий равишда муаммони ечиш ва ҳамкорлик усулларини ва стратегияларини ишлаб чиқариш имкониятларга эга.

Таълим доирасида лойиха мисол учун бирор инструмент ёки ускуна ёки унинг бир қисми бўлиши мумкин. Автомеханик бўлмоқчи бўлган талабалар учун лойиха мисолига бирор моторни тузатиш ёки сантехниклар учун бирор нарсани ўрнатиш бўлиши мумкин. Лойиха бу доим бир топшириқ бўлиб унинг натижаси «оддий» бир маҳсулот бўлади. Лекин «лоиха» деганда ҳар доим жисмоний бир «маҳсулот» тушунилмайди чунки кўплаб шундай фаолият турлари борки уларга бундай таъриф тўғри келмайди.

Масалан электриклар учун бирор бузук электр занжирни тузатиш ҳам лойиха бўлиши мумкин. Офис-менеджерлик соҳасида эса барча ишларни лойихага айлантириш мумкин. Агар бу ишлар яхлит ҳарактерга эга бўлса ва

ўлчаниладиган натижага олиб келса масалан бухгалтерия учун мўлжалланган компьютер дастурини ўрнатиш ва ҳоказо.

талабалар одатда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиха гурухи сифатида бутунлай мустақил равишда режалаштиришдан бошлаб то амалга ошириш ва хулоса чиқаришгача биргаликда ишлашади. Топшириқ берилган вақтидан бошлаб то унинг ечилишигача амалиёт ўқитувчиси талабаларни мустақил равишда ўрганишга жалб этиб туриши лозим. Амалиёт ўқитувчиси ўрганиш жараёнини назорат қиласи ва систематик равища бошқаради; у фақат жуда керак бўлган ҳолда жараёнга араласиши мумкин холос.

Лойиха усулининг асосий мақсади шуки бир томондан топшириқни бажариш учун керакли барча билимлар ва қўникмалар жараён давомида ўрганилишидир. Бошқа томондан эса топшириқни ечиш усули доим танланган пойдевор квалификацияларни бирдан ривожлантиришга мўлжалланган бўлишидир.

Лойиха ишини тайёрлашда йўналтирувчи матн усули каби амалиёт ўқитувчиси қуидаги вазифаларни бажариши лозим:


Амалиёт ўқитувчиси

- лойиха иши учун бирор мисолни белгилаши
- лойиха топшириқларини ишлаб чиқариши,
- лойиха ишини ўқув жадвалига киритиши,

• лойиха қандай ўтишини ўйлаб чиқиши ва топшириқни талабаларнинг имкониятларига мослаштириб уларнинг топшириқни бажара олишларини таъминлаши,

• талабаларни лойиха иши билан таништириши ва уларни ишига аралашмасдан кузатиб туриши лозим.

Лойиха усулининг амалга оширилиши йўналтирувчи матн усули каби мукаммал ҳаракатланиш моделига асосланади:



Маълумот йиғишиш. Бу давр (фаза) учун амалиёт ўқитувчиси аввал бир неча материал ва хужжатларни тайёрлаши лозим:

- лойиҳа (чизмалар электросхемалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- маълумот йигишга оид йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадлар ҳақида маълумотлар (шу жумладан танланган пойдевор квалификациялар);

Лойиҳа талабаларга чизмалар ёки электросхемалар шаклида бериб қўйилади. қўшимча сифатида топшириқ таърифи ҳам берилади.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси талабаларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқ таърифини таҳлил қилишга жалб этади. талабалар мустақил равища дарслик жадвалли китоблар шахсий ёзувлари тарқатма материаллар асосида маълумот йигишади. Бундан ташқари улар бошқа техник саволлар кўлланиши мумкин бўлган иш тартиби босқичлари иш поғоналари инструментлар ва керакли иш материалларга оид ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси талабаларга техник чизмаларни фойдаланишга беришидан мақсад улар шу чизмалар асосида муҳим қисмларни чизиб олишади ва ўз иш ҳужжатларига қўчириб олишади.

Сўнг талабалар ҳам ўз навбатида лойиҳа ишлаш тартибининг таърифини тузишлари лозим. Шу равища улар лойиҳанинг бориши ва сифати учун муҳим бўлган асосий ўзаро алоқаларни алоҳида иш поғоналарини қайси поғонада ва қайси вақтда оралиқ назорат ўtkазилишини ва ҳоказоларни аниқлашади.

Режалаштириш. Сўнг талабалар мустақил равища иш режасини тўлдиришади. Иш режаси уларга формула сифатида берилиши мумкин. Бу режада иш босқичлари уларнинг технологик кетма-кетлигига материал инструментлар ёрдамчи воситалар ва ҳоказо режалаштирилиши лозим.

Бу ерда ҳам лар йўналтирувчи саволларни қўллаб ўзларининг шахсий ёзувларидан масалан назарий дарсда қилинган ёзувларидан фойдаланишади.

ўқитувчилар ўзлари ҳам шундай режа лойиҳасини ишлаб чиқаришлари мумкин. Бу нарса таълимнинг олдинги босқичида амалга оширилиши ёки бажармаслиги мумкин. Негаки иш режаси - бу берилган топшириқни бажариш учун керакли босқичлар кетма-кетлигининг таърифидир. Лекин иш режаси бирор иш жараёнининг бир қисми бўлиши ҳам мумкин. Иш режасида технологик босқичлар ва улар учун ажратилган вақт керакли инструментлар ва ускуналар ҳамда меҳнат хафсизлигига оид чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар ҳам кўрсатилиши ҳам мумкин.

Иш режаси билан бир вақтнинг ўзида бир неча ҳар хил кичик гурухларда «қисман лойиҳа»лар устида ишлайдиган талабалар орасида вазифалар тақсимланишини ва сифат назорати режалаштириш мумкин.

Қарор қабул қилиш. талабалар амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш даврида (фазасида) юзага келган натижаларни муҳокама қилишади. Амалиёт ўқитувчиси бу дискуссияни модераторлик йўлида ва «пинванд» доскасини ишлатиб ўтказиши мумкин. Бундай равиша

ҳар хил ечимлар бир бири билан таққосланади ва энг яхши вариант танлаб олинади.

Бу иш пайтида кичик гурӯхлар аъзолари ҳам аниқ белгиланади. Уларнинг вазифаси бутун лойиҳанинг қисман топширикларини ҳал қилиш бўлади.

Амалга ошириш. талабалар иш топшириғини иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади.

Улар якка тартибда ёки кичик гурӯхларда ишлашлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси жараённи назорат қилиб туради пойдевор квалификациялар ривожланишини таҳлил қиласди ва назорат натижаларини маҳсус «Назорат протоколи»га ёзиб қўяди.

Бу протоколда талабаларни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Бу мезонлар тегишли пойдевор квалификацияларни ҳисоблаб аниқлашни кўрсатади. Пойдевор квалификациялар деганда бу мисол учун мулоқот қобилияtlари хамкорлик маъсулиятга онгли муносабат ва мустақиллик каби қобилияtlар бўлиши мумкин.

Пойдевор квалификациялар ривожланиши бир неча поғоналарда кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу поғоналар талабалар бу квалификацияларга қай даражада эришганларини кўрсатади.

«PETRA» концепциясида пойдевор квалификациялар ривожланиш даражасининг 4 поғонаси фарқланади:

Репродукция поғонаси. талаба янги мазмунларни ўрганиб олади масалан тақлид қилиш орқали ва ўрганган нарсасини амалиёт ўқитувчиси бошчилигига бевосита қўллай олади.

Реорганизация поғонаси. талаба энди асосий кўникма ва билимларни ўзлаштириб олди ва муайян топшириқларга нисбатан ҳаттоқи узоқроқ вақт ўтганидан кейин ҳам қўллай олади.

Мавжуд билимларни бошқа вазиятда қўллаш поғонаси. Талаба ўрганиб олган билимларини керак бўлса бироз ўзгартириб ишлатади ва уларни ўзгарган ва янги вазиятларда қўллай олади.

Муаммони ҳал қилиш поғонаси. Талаба шундай топшириқларни бажарадики, бу топшириқларда у эски ва янги билимларини бир бирига қўшиб ишлатади. У сабаб ва оқибат орасидаги ўзаро алоқаларини аниқлай олади систематик равишда ривожлантира олади баҳолашни ҳамда танлашни билади янги ва ижодий ечимларни топа олади.

Бу 4 поғона пойдевор квалификацияларни режалаштириш пайтидаёқ инобатга олинади. Амалиёт ўқитувчиси ўзининг «Назорат вараги»га шундай индикаторларни яъни нишоналарни киритиши мумкинки улар унга бирор поғона эришилганлигини кўрсатиб туришади.

Текшириш. талабалар ўз иш натижаларини ўzlари текширишади (масалан иш натижаларини сифат мезонлари асосида баҳолаш ва баҳоларни маҳсус «Назорат вараги» ёки «Баҳолаш вараги»да қайд этишади).

талабалар бир-бирининг натижаларини текширишга ҳам жалб этилади. (Бошқаларни баҳолаш).

Инструктор натижаларни махсус «Хулосалар варағи» да қайд этади ва ўзининг «Назорат баённомаси» асосида хулосалар чиқаради.

Хулоса чиқариш. талаба ва амалиёт ўқитувчиси иш жараёнини ва натижаларини биргаликда якуний сұхбат давомида таҳлил қилишади (асл күрсатгичларни норма күрсатгичлари билан таққослаш; норма күрсатгичларига эриша олмаганлик сабаларини аниклаш. Кейинги сафар нималар яхшироқ қилиниши лозим?).

Бунинг учун амалиёт ўқитувчиси «Назорат протоколи» ҳамда «Хулосалар протоколи»дан фойдаланади.

Лойиха усули доирасидаги ташкилий шакллар.

Амалий таълимни «Лойиха усули»ни қўллаш орқали амалга ошириш учун З хил ташкилий шакллар қўлланади. Бу ташкилий шакллар пойдевор квалификациялар ривожланишига маълум равишда қўмаклашишади:

- мустақил режалаштирилган индивидуал иш
- гурӯҳда режалаштирилган индивидуал иш
- гурӯҳда бажариладиган иш.

Ташкилий шакллар ва пойдевор квалификациялар орасидаги ўзаро алоқа яққол ва тушунарли чунки мустақил режалаштирилган индивидуал иш пайтида индивидуал шахсиятга оид ва касбий компетенциялар (иш топширигини ўзи ташкиллаштириш ва амалга ошириш қобилияtlари мустақиллик ва шахсий жавобгарлик чидамлилик ва ҳоказо) ривожланса гурӯҳда режалаштирилган индивидуал иш ҳамда гурӯҳда бажариладиган иш пайтида эса ижтимоий ва касбий компетенциялар (мулоқот ва ҳамкорлик қобилияти режалаштириш ва қарор қабул қилиш қобилияти жамоий жавобгарликни англаш ва бошқа қобилияtlар) ривожланишига хисса қўшишади.

Мустақил режалаштирилган индивидуал иш:

Ўқувчига лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин у ўз лойихасини режалаштиради бутунлай шахсий жавобгарликда индивидуал равишида ишлаб амалга оширади ва натижаларини ўзи таҳлил қиласди.

Талабалар орасида ҳеч қандай мулоқот юзага келмайди.

Гурӯҳда режалаштирилган индивидуал иш: Гурӯҳга лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин гурӯҳ талабалари биргаликда «Маълумот йиғиши - Режалаштириш - Қарор қабул қилиш» босқичларини амалга оширишади. Ундан кейин эса ҳар бир талаба индивидуал равишида ишлаб ўз лойихасини амалга оширади. Яъни режалаштириш пайтида у бошқалар билан биргаликда жавобгарликни ўз зиммасига олади лекин амалга ошириш пайтида шахсий жавобгарликни ўз бўйнига олади.

Гурӯҳда бажариладиган иш: Гурӯҳга лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин гурӯҳ талабалари биргаликда умумий режани тузишади. Сўнг лойиха бир неча «қисман лойиха»ларга бўлинади ва уларни бир-бирига боғловчи касбий бўғинлар гурӯҳда келишиб олинади. Деталли режалаштиришни эса ҳар

бир ўкувчи ўзи амалга оширади. Сўнг ҳар бир талаба ёки кичик гурух ўзининг қисман лойиҳасини тузади. Бу ҳолда уларнинг ҳаммаси қисман лойиҳаларни ишлай оладиган яхлит лойиҳага бирлаштириш учун биргаликда жавоб беришади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1- мавзу: ЭНКОДЕРЛАР ВА ЎЗГАРТИРГИЧЛАР

Режса:

1. Энкодер, абсолют энкодер ва магнитли энкодер.
2. Термоэлектр ва пьезоэлектр ўзгартиргичларт
3. Параметрик ва индуктив ўзгартиргичлар

Таянч иборалар: датчиклар, оптик датчиклар, энкодерлар, босим, температура, тезлик, тезланиши ва бошқа катталиклар

1. Энкодерлар

Энкодер – бурилиш бурчаги датчиги бўлиб, валнинг айланиш бурчагини электр импульсларга айлантиришда ишлатилади. Улар ёрдамида бурилиш бурчаги, айланиш тезлиги, айланиш йўналиши, ҳамда бошланғич нуқтага нисбатан ҳозирги ҳолатини аниқлаш мумкин.

Энкодерлар механизмнинг аниқ ҳолатини билиш талаб этилган турли механизmlарда кенг қўлланилади, жумладан: саноат манипуляторлари, серво юритмалар ва бошқалар.



2.-расм. Энкодернинг ташқи кўриниши.

Энкодерлар қуидаги турларга бўлинади:


- инкреметли;
- абсолют.

Ишлаш усуслига кўра қуидаги турларга бўлинади:

- резисторли;
- магнитли;
- оптик.

Инкрементли энкодер – вал айланиш вақтида юзага келадиган импульсларни ҳисоблади. У бевосита валга ўрнатилади ёки эгилувчи муфта орқали уланилади.

Энкодер ичидаги рискаларга эга диск жойланган бўлиб, унинг бир томонида ёруғлик манбаи, иккинчи томонида фотоқабулгич жойлашади. Диск айланганда дисқдан фотоқабулгичга ўтаётган ёруғлик қиймати ўзгаради, сўнгра сигнал шўгаради ва дискrets чиқишига узатилади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, чиқишидаги сигнал иккита каналдан ташкил топган бўлади. Улардаги импульслар бир-бирига нисбатан 90° га силжиган бўлиб, валнинг айланиш йўналишини аниқлаш имокниятини беради. Импульслар сони бир айланышга бир неча ўн мингтагача бориши мумкин. Бу катталик – энкодер ёйилмаси (кенгайтмаси) деб аталади. Масалан, агар диск бир айланышда 2000 та рискага эга бўлса, у ҳолда 1000 та импульсда вал 180° га бурилади.




4-расм. 90° га силжиган энкодер импульслари диаграммаси.

Холат саноғини координата ўқига боғлаш учун, датчиклар яна референт белги (метка)га эга бўлади. Яъни, валнинг ҳар бир айланишида чиқишида яна битта импульс шаклланади ва у бошланғич (нолинчи) позицияни кўрсатади. Бу чиқиш одатда жорий холат учун жавоб берувчи ташқи ҳисоблагични олиб ташлаш учун ишлатилади.

Абсолют энкодер. У ясалишига кўра оптик ҳисобланади. Биринчи навбатда улар бир айланишли ва қўп айланишли турлага бўлинади. Бир айланишли турида жорий координата битта айланиш доирасида аниқланади.

Абсолют энкодерлар валнинг ҳар бир позицияси учун шаклланган ажойиб кодга эга бўладилар ва инкрементал энкодердан фарқли равища импульс ҳисоблагич талаб этилмайди, чунки доим айланиш бурчагини биламиз. Абсолют энкодер чиқишидаги сигнал сокинлак вақтида ҳам, валнинг айланиш вақтида ҳам шаклланаверади.

Унинг ичида бир нечта концентрик йўлларга эга диск жойлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар биридан вал позициясини аниқлаш учун ажойиб код шаклланади. Абсолют энкодер манбадан узилганда ўз қийматини йўқотмайди, демак, дастлабки позицияга қайтиш талаб этилмайди. Абсолют энкодер сигнални шовқинларга бардошли бўлиб, унинг учун вални аниқ ўрнатиш талаб этилмайди. Бу турдаги датчик вибрацияларга турғун ҳисобланади.



5-расм. Бир неча йўлакчага эга абсолют энкодер диски.

Магнитли энкодер. У сезувчи элемент яқинида жойлашган магнит элементнинг айланиш қутбларини ушлай олади ва мос келувчи рақамли кодга айлантиради.

2. Термоэлектр ва пьезоэлектр ўзгартиргичлар.

Фан ва техниканинг турли соҳаларида ўлчаниши талаб этиладиган суюқ ва газсимон мухитларни босими бир-биридан фарқ қилади. Амалиётда 10^{-6} Падан (коинотни тадқиқ этишда) 10^{12} Пагача (ер ости портлашларида) бўлган босимни ўлчаш талаб этилади. Ўлчанадиган босимнинг частота диапазони ҳам жуда кенг.


Босим ёки куч каби физик катталиклар иккиласми ўзгартиргичлар ёрдамида ўлчаниши мумкин. Иккиласми ўзгартиргичнинг чиқишидаги катталик силжиш функцияси бўлиб, у ҳам ўлчаниши мумкин. Кўпгина механизмлар айнан кучни силжишга айлантиради. Бунинг учун қуидаги натижани ҳосил қилиш қурилмалари қўлланилида:

1. Силлик ёки рифланган диафрагмалар
2. Айланувчи момент маркази
3. Тўғри труба
4. Манометрнинг айлана ёки қийшиқ трубали пружинаси
5. Мехлар

Шулардан силлик ва рифланган диафрагмалар, мехлар, айланма ёки қийшиқ трубали пружиналар босимни ўлчашда ишлатилади. Айланувчи моментнинг маркази акселерометрлар ва тезлик ўзгартиргичларида қўлланилади. (2.6-расм)

Иккиласми ўзгартиргичлар:


1. Қаршиликли
2. Индуктивли
3. Трасформаторли
4. Сифимли
5. Фотоэлектрик
6. Пьезоэлектрик
7. Ионли
8. Тебранма



6-расм. Ўзгартиргич турлари.

Флюксметр магнит ўлчашларни амалга оширишида жуда қўлай ўлчаш асбоби ҳисобланади. У баллистик гальванометрнинг маҳсус модификацияси бўлиб, унда айланувчи моментнинг тўхташ вақти жуда кичик, электромагнит демпфирлаш жуда мушикул. Унда олинган магнит оқимининг оғиши вақтга боғлиқ бўлмайди 3.7-расм.

Температура датчилари – яна бир фойдали қурилма бўлиб, замонавий қурилмаларда кенг ишлатилади. У турли муҳитларда температурани автоматик усулда ўлчаш учун ҳизмат қиласди. Компьютерлардаги каби, роботларда ҳам бу қурилма процессор температурасини назорат қилиш ва ўз вақтида уни совутиш учун ишлатилади.



.7-расм. Флексметр.¹




8-расм. Температура (харорат) датчиклари.

Термоэлектр ўзгартигичлар термопара занжирида юзага келадиган термоэффектта асосланган. Иккита турли А ва В ўтказгичларни туташувчи 1 ва 2 нүкталардаги температураларда фарқ (термопара) юзага келса (4.9- расм) термопара занжирида термо-ЭЮК пайдо бўлади.

Температура ўзгармас бўлганда, масалан 2 ($t_2=\text{const}$) $E_{AB} = f(t_1) - C = f_1(t_1)$ бўлади. Бу ерда t_1 -1 туташиш нүктаси температураси; $C = f(t_2)$. Бу боғлиқлик термоэлектр ўзгартигичларда температурани ўлчашда кўлланилади.

¹P.Purkait, B.Biswas, S.Das, Ch. Koley, Electrical and Electronics Measurements and Instrumentation, Mc. Grow Hill Education (India) Private Limited, 2013.

Термопара занжиридаги термо-ЭЮК ишчи учнинг температурасидан аниқланиши учун термопаранинг эркин учларини бир хил ва ўзгармас ушлаб туриш керак. Термоэлектр термометрларнинг градуировкалаш одатда совук учнинг 0°C температурасида амалга оширилади.




9-расм. Термопара (а) ва ўлчов асбобини термопара занжирига уланиши (б).

Бу ерда: 1-ўлчов асбоби; 2,3-электродлар; 4-улаш симлари; T1 ва T2- термопарнинг “қайноқ” ва “совук” учлари температураси.

Пъезоэлектр ўзгартиргичлар түғри пъезоэффектни қўллашга асосланган (юонча рійзо – босаман сўзидан олинган). Бунда баъзи кристаллар (кварц, турмалин, сегнет тузи ва бошқлар) юзасида механик кучланиш таъсирида электр зарядлар юзага келади.


Кварц кристаллидан пластина кесиб олинади. Унинг чеккалари кристаллнинг оптик ўқи Oz га, механик ўқи Oy га ва электр ўқи Ox перпендикуляр жойлашган бўлиши лозим (4.10-расм).



10-расм. Кварц кристалли ва ундан кесиб олинган пластина.

Пластинага F_x куч таъсир эттирилса, электр ўқи бўйлаб, x чеккаларда $Q_x = kF_x$ зарядлар юзага келади, бу ерда k – пьезоэлектр коэффициент (модуль). Пластинага F_y куч таъсир эттирилса, механик ўқи бўйлаб, яна шу x чеккаларда $Q_y = kF_y a/b$ зарядлар юзага келади, бу ерда a ва b – пластина чеккалари ўлчамлари.

Пластинага оптик ўқ бўйлаб механик таъсир кўрсатиш зарядлар пайдо қилмайди.



11-расм. Кристаллардаги пьезоэлектр эфект.

.3. Параметрик ва индуктив ўзгартиргичлар


Параметрик ўзгартиргичларда чиқишдаги катталик бўлиб электр занжири элементи (R , L , C) параметрининг ўзгариши ҳисобланади. Ўлчанаётган катталиктининг ўзгариши датчик занжиридаги параметрни

ўзгаришига олиб келади. Параметрик датчиклар датчик-модуляторлар деб ҳам аталади.

Реостатли (резистив) датчиклар параметрик ўзгартиргичлар ичида ишлаши жуда соддаси ҳисобланади. Одатда улар ўзгарувчан резисторни ифодалайдилар. Улар манба занжирига уланган ҳолда силжувчи контактни силжишига боғлиқ равишда ўз қаршилигини ўзгартирадилар ва мос равишда занжирда қайд этилаётган ток қийматини ўзгартирадилар. Бу эса датчик чиқишидаги сигнал ҳисобланади (2.9-расм).

Ўзгарувчи резистор реостатли уланиш схемасида бўлиши мумкин, бу вақтда у занжирдаги токни бошқаради.

Барча резистив ўзгартиргичларни камчилиги бўлиб уларнинг кичик ишончлилиги ҳисобланади, чунки силжувчи контакт эскириши сабаб бўлади. Афзалликларига ўзгартиришнинг юқори аниқлиги, чиқишидаги сигналнинг нисбатан катта даражаси, конструкциясининг соддалиги ва нисбатан арzonлиги киради.




2.12-расм. Реостатли ўзгартиргичлар: бурчакли (а), чизиқли (б) силжишлар ва чизиқли силжишларни функционал ўзгартириш учун (в).

Индуктив ўзгартиргичларнинг иш принципи магнит ўтказгичдаги ўрамларнинг индуктивлиги ва ўзароиндуктилигига, ўзаро жойлашишига, геометрик ўлчамларига ва магнит занжиридаги элементларнинг магнит ҳолатига боғлиқ.

Магнит катталикларни ўлчашнинг турли технологиялари мавжуд. Ҳар бир техника ўзига хос ноёб хоссаларга эга бўлиб, аниқ бир вазиятдан келиб чиқиб танланади. Магнит катталикларни ўлчаш анча мушкул ва аниқлиги юқори эмас. Биринчидан, магнит катталикларни айни ўзини ўлчаб бўлмайди, балки уларнинг предметларга таъсири орқали ўлчанади. Иккинчидан, магнит оқимининг йўналиши аниқ бўлмай, назорат қилиб бўлмайди.

Магнит катталикларни ўлчаш икки гурухга бўлинади: ўзгарувчан ток занжирларида ва ўзгармас ток занжирларида. Ўзгармас токда ўлчашда электр майдон кучи, оқими, ўтказувчанилиги, гистерезис сиртмоини аниқлаш мумкин бўлиб, бу усул одатда қаттиқ материаллар, кўп қатламли материалларда қўлланилади. Ўзарувчан токда ўлчашда ўзгарувчан магнитланиш шароитларида магнит материаллардаги йўқотишларни ўлчаш эвазига амалга оширилади.²

Ўзгартиргич конструкцияси силжишларни диапазони билан аниқланади. Ўзгартиргич ўлчамлари чиқищдаги сигналнинг талаб этиладиган қувватидан келиб чиқсан ҳолда танланади.



13-расм. Индуктив датчик блок схемаси.

Индуктив ўзгартиргичларни чиқиши параметрларини ўлчашда кўпроқ кўприк (мувозанатли ва номувозанатли) занжирлар қўлланилади, ҳамда дифференциал трасформаторли компенсацион (автоматик асбоблар) занжирлар қўлланилади.

Индуктив ўзгартиргичлар силжишлар ва бошқа ноэлектр катталикларни ўзгартиришда қўлланилади. Бошқа ўзгартиргичларга нисбатан индукцион ўзгартиргичлар чиқищдаги сигналнинг катта қуввати, соддалиги ва ишончлилиги билан фарқланади. Камчиликларига ўзгартиргичларни тадқиқ этилаётган объектга тескари таъсирини ва якоръ инерциясини асбобнинг частота тавсифларига таъсири киради.

²P.Purkait, B.Biswas, S.Das, Ch. Koley, Electrical and Electronics Measurements and Instrumentation, Mc. Grow Hill Education (India) Private Limited, 2013.

Назорат саволлари

1. Энкодер нима?
2. Абсолют энкодерлар қандай вазифани бажаради?
3. Магнитли энкодерлар қандай вазифани бажаради?
4. Пьезоэлектр ўзгартиргичлар қандай эфектни кўллашга асосланган?
5. Параметрик ўзгартиргичлар қандай физик ходисаларга асосланган?
6. Индуктив ўзгартиргичлар қандай физик ходисаларга асосланган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Yusupbekov N.R., Aliyev R.A., Aliyev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellektual tizimlari va qaror qabul qilish. – Toshkent: «O’zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2015. -572 b.
2. С.А. Воротников. Информационные устройства робототехнических систем - Информация скопирована с сайта <https://robotics.ua>.
3. Юсупбеков Н.Р., Алиев Р.А., Алиев Р.Р., Юсупбеков А.Н. Интеллектуальные системы управления и принятия решений.-Ташкент:
4. Назаров Х.Н. Робототехник тизимлар ва комплекслар. Ўқув қўлланма – Т.” ИҚТИСОД-МОЛИЯ”,2010-69 б
5. www.myrobot.ru/books/bishop.php
6. [nashol.com>.../informacionnie-ustroistva-i-sistemi-v...](http://nashol.com/.../informacionnie-ustroistva-i-sistemi-v...)
7. bookfi.net>book/758645
8. eknigi.org>nauka...ucheba...informacionnye-ustrojstva...

2– МАВЗУ: ВИДЕОДАТЧИКЛАР ВА ВИДЕОКАМЕРАЛАР

Режса:

1. Видеодатчиклар ва машина кўриш камералари
2. Техник кўриш тизимларининг синфланиши
3. Техник кўриш тизимиning умумлашган тузилма схемаси
4. Техник кўриш тизимига қўйиладиган талаблар

Таянч иборалар: техник кўриши тизимлари, видеодатчиклар, видеокамералар

2.1. Видеодатчиклар ва машина кўриш камералари

Мутахассислар тузилиш жиҳатдан инсон кўзига ўхшаш қурилмаларни яратишнинг янги технологияларини ишлаб чиқмоқдалар. Машина кўриш тизими (техник кўриш) ҳозирги кунга келиб фан ва техниканинг деярли барча соҳаларида қўлланилади.

Техник кўриш – объектларни аниқлаш, кузатиш ва синфлашни амалга оширадиган машиналарни яратиш назарияси ва технологияси билан шуғулланади. Илмий фан сифатида компьютерли кўриш информациини тасвирдан оладиган сунъий тизимларни яратиш назарияси ва технологиясига таълуқлидир. Олинган видеомаълумотлар кўп усулда ифодалаш мумкин, жумладан: видео кетма-кетлик, турли камералардан олинган тасвир, ёки уч ўлчамли маълумотлар.

Техник кўриш тизимлари саноат миқёсида автоматик жараёнларни кузатиш жараёнларида, ишлаб чиқариш самардорлигини ҳамда маҳсулот сифатини ошириш мақсадларида кенг қўлланилади. Техник кўриш тизими учта асосий амалларни ўз ичига олади:

1. Тасвирни қабул қилиш;
2. Тасвирни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
3. Қайта ишлаш натижаларини технологик жараённи бошқариш тизимига узатиш.


Техник кўриш тизимларида қўлланиладиган услублар ва ёндошувларни уч гурухга бўлиш мумкин:

- паст даражадаги кўриш;
- ўрта даражада кўриш;

- юқори даражада күриш.

Паст даражадаги күриш тизимлари сезгилаштириш датчикларидан олинадиган информацияларни қайта ишлаш учун мүлжалланган. Ўрта даражадаги күриш тизимлари алоҳида обьектларни сегментлаш, изохлаш ва ажратиб олиш масалаларини ечишга қаратилган. Бу масалалар аналитик ифодалашга асосоланган кўр ёндошувчларни қамраб олади. Юқори даражадаги күриш тизимлари кузатиш муаммоларини ечишга қаратилган бўлиб, кўп сонли ўзаро боғлиқ бўлмаган белгилар ичидан керагини ажратиб олиш, олинган маълумотларни бошқа мақсадларда қўллай билиш, тўлиқ бўлмаган информация ёрдамида ҳодисаларни тўлиқ тиклаш, бу мақсадларга эришиш учун режа шакллантириш каби вазифаларни бажара олади.

Робототехника соҳасида ҳозирги кунга келиб техник кўришнинг асосий муаммоси бўлиб шовқигилар ҳисобланади. Улар сабабли робот информациини қайта ишлаш ва бошқа амалларнисекин бажаради. Шовқинларни пасайтириш учун фильтрлар қўлланилади.



2.1-расм. Саноат роботи техник кўриш тизимининг тузилма схемаси.

Роботнинг техник кўриш тизимининг умумлашган тузилма схемаси (5.1-расм) тасвирни қайд этиш асосий занжири, қайта ишлаш ва бошқарув сигналларини шакллантиришсанжирларига эга. Техник кўриш тизимининг асосий занжири тасвир датчиги (ИД1) билан боғланган. Ёрдамчи занжир 2

кўшимча тасвир датчиги билан боғланган бўлиб, робот манипулятори билан конструктив бирлаштирилган. Занжир 1 манипуляциялаш объектини (ОМ) топиш, аниқлаш, робот қамровини объектга келтиришда кўлланилиши мумкин. Аниқ олиб келиш учун ДИД датчиги ишлатилади. 3,4 ва 5-бошқарув занжирлари техник кўриш тизимини созлаш, ДИ1-ДИд датчиклар ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда тасвирни қайта ишлаш алгоритмини ўзгариши орқали маълум вазифаларни бажариш, ёритгич (ОС) иш режимини танлаш учун ишлатилади. Олтинчи бошқарув занжири ишчи зонани шакллантиришда ишлатилади.

Амалиётда техник кўриш тизимларида бирор занжирларнинг бўлмаслиги, тескари алоқанинг мавжуд эмаслиги, бошқа қурилмаларга эга бўлиши мумкин, лекин тасвир датчигини бошқарувчи асосий ва ёрдамчи занжирларга эга бўлади.

2.2. Техник кўриш тизимларининг синфланиши

Техник кўриш тизимларини синфлашда белгилари кўп бўлиб, шундан асосийларини келтириб ўтамиз:

1. ишлаш тамойилига кўра
2. функционал вазифасига кўра
3. автономлигига кўра
4. таъсир доирасига кўра
5. информация олиш усулига кўра
6. видеодатчиклар сонига кўра
7. информация турига кўра
8. жойлашиш усулига кўра
9. сигнални қайта ишлаш усулига кўра
10. рангни таҳлил қилишига кўра.

Ишлаш тамойилига кўра техник кўриш тизимлари икки позицияли (мантиқий) тизимлар, координаторлар, обзор-солишигурувчи тизимлар ва биоструктураларга бўлинади.

Функционал вазифасига кўра техник кўриш тизимлари ташқи муҳит, маълум обьектлар ва муҳитда ҳаракатланиш параметрларини аниқловчи тизимларга бўлинади.

Автономлигига кўра техник кўриш тизимлари автоном бўлган ва автомном бўлмаган турларга бўлинади. Автоном бўлмаган техник кўриш тизимлари автоном тизимлардан информация қабул қилиш учун ташқи қурилмаларига эга эмаслиги билан ажralиб туради.

Таъсир доирасига қўратехник кўриш тизимлари ўта яқин, яқин, узоқ ва ўта узоқ турларга бўлинади.

Информация олиши усулига қўратехник кўриш тизимлари пассив (суст) ва актив (фаол) турларга бўлинади. Улар эса ўз навбатида қабул қилишнинг аниф йўналишига эга бўлган ва ўзгарувчан йўналишга эга бўлган турларга бўлинади.

Видеодатчиклар сонига қўратехник кўриш тизимлари монокулярли (бир кўзли), бинокулярли (икки кўзли), қўшимча учинчи датчикка эга бинокулярли (уч кўзли), қўшимча учинчи ва тўртинчи датчикка эга бинокулярли (тўрт кўзли) ҳамда кўп кўзли турларга бўлинади.

Информация турига қўратехник кўриш тизимлари бир ўлчамли, икки ўлчамли ва уч ўлчамли турларга бўлинади. Бир ўлчамли тизимларга бир нуқтада, нуқталар ёки чизиқлар жамланмасидан информация олувчи тизимлар киради. Икки ўлчамли тизимлар силлиқ тасвиirlардан олинадиган информацияларни таҳлил қилишга мўлжалланган. Уч ўлчамли тизимлар ҳажмий тасвиirlарни қабул қилиш ва таҳлили қилишда ишлатилади. Улар яна уч ўлчамли тасвиirlарни уларнинг проекцияларидан келиб чиқсан ҳолда тиклаш қобилиятига ҳам эгадирлар.

Жойлашиш усулига қўратехник кўриш тизимлари стационар, ностационар ва комбинацион турларга бўлинади. Стационар техник кўриш тизимлари аниқ бирор конвеер устида, тўғрисида ёки ёнида ўрнатилади. Ностациоан турлари эса робот конструкциясининг ҳаркатланувчи элементига ўрнатилади. Комбинацион турлари эсаҳам стационар, ҳам ностационар қуrimалар бирлигини ташкил этади ва камидаги иккита кўзга эга бўлади.

Сигнални қайта ишиш усулига қўратехник кўриш тизимлари аналог (узлуксиз), рақамли (дискрет) ва аналог-рақамли (комбинациялашган) турларга бўлинади. Аналог қуrimаларда барча ҳисоблашлар аналог шаклда, рақамли қурилмаларда эса ЭҲМ ва маҳсус процессорларда рақамли шаклда қайта ишланали. Комбинациялашган қурилмаларда эса амалларнинг баъзилари аналог, қолганлари эса рақамли шаклда бажарилади.

Рангни таҳлил қилишига қўратехник кўриш тизимлари оқ-қора ҳамда рангли турларга бўлинади. Оқ-қора турлиси кўпроқ ишлатилади.

2.3. Техник кўриш тизимининг умумлашган тузилма схемаси


Техник кўриш тизими (ТКТ)нинг умумлашган тузилма схемаси 5.2-расмда келтирилган. Бу тузилма конкрет илова ва техник реализациясига қўра ўзгариши мумкин. ТКТ лар аксарият рақамли тизимларда қўлланилиши

сабабли, бу тузилмани микроЭХМ ёки микропроцессор билан биргалиқдаги схемасини қўриб чиқамиз.

ТКТнинг келтирилган варианти функционал жиҳатдан автоном ҳисобланади, чунки, тасвирларни қайта ишлашга мўлжалланган маҳсус процессордан ташқари унинг таркибига микроЭХМ ҳам киради. У тасвирни қайта ишлаш, режалаштириш тизими билан робот ҳаракатини бошқариш ўртасида ахборот алмашиш ва процедураларини бажариш кетма-кетлигини бошқаради. Шу билан бирга ТКТни ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларига адаптацияланиш турли алгоритмларини амалга оширишни таъминлайди.

ТКТнинг муҳим блоки бўлиб тасвирни киритиш блоки ҳисобланади. Унинг таркибиға тегишли оптик датчик уланишини таъминловчи дастурий-бошқариладиган коммутатор, аналог-рақамли ўзгартиргич ҳамда буферли хотира қурилмаси киради.

Эталон ҳамда тадқиқ этилаётган тасвирларни сақлаш учун тасвир хотираси ишлатилади, қайта ишлашнинг ихтиёрий вақт моментида тасвирни визуаллаш учун эса – акс эттириш қурилмаси ишлатилади. Тасвирларни қайта ишлашда бевосита иштирок этувчи ТКТнинг барча блоклари умумий видеомагитралга уланади. ТКТнинг ишлашини бошқариш тизим магистрали орқали амалга оширилади. Тизим магистралига эса тизимнинг барча блоклари уланган бўлади.



2.2-расм. ТКТ ва саноат роботини бошқариш тизими тузилмаси.

Ёритиш тизимининг куч блокини бошқариш оптик информация датчигидан келаётган тасвирни таҳлил қилиш асосида дастурий амалга оширилади. Оптик датчиклар сони саноат роботи ечсадиган масаладан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

2.3. Техник кўриш тизимиға қўйиладиган талаблар

Саноат роботининг ТКТни яратишда қуйидаги талабларни инобатга олиш лозим:

- “интеллект” даражаси, яъни турли мураккабликдаги функционал масалаларни еча олиш қобилияти;
- иш зонасининг шакли ва ўлчамлари;
- метрологик жиҳатлари;
- ТКТ ечадиган технологик вазифаларни бажаришга кетадиган ватқнинг технологик цикл вақт характеристикалари билан мослиги;

- ТКТ ва мавжудробот бошқарув тизимиинг дастурий ҳамда аппарат жиҳатдан мослиги;
- қайта созлаш, қайта дастурлаш, функционал имокниятларини кенгайтириш жиҳатлари;
- бошқарув жараёнининг барқарорлиги;
- ишончлигиги, таъмирлашга яроқлилиги, ўз-ўзини диагности қилиш жиҳатлари;
- конструктив-технологик жиҳатлари;
- эксплуатацион жиҳатлари;
- эргономик кўрсатгичлари;
- техник-иктисодий жиҳатлари.

2.4. Техник қўриш тизими датчиклари турлари


Камера-сенсор, 15 та ёруғлик диодидан ташкил топган осмага ва объектларни юқори аниқликда таний оладиган гистерезис компенсациясига эга. Тасвирни тезкор аниқлаш тезлигига ва минимум 2, мс бўлган қисқа ишга тушиш вақтига эга бўлган ҳолда, у циклик саноат жараёнларини назорат қилиш учун мос келади.

Машина қўриш тизимиининг икки ўлчамли камералари ўрганилаётган соҳанинг ўзгариш функцияларига, соҳани қидириш ва бошқа бошқарув воситалари функцияларига эга. “Кул ранг баланси” ва бошқа параметрлар индикацияси юқори аниқликда созлашга эришишга ёрдам беради. Товарни сортировка қилиш, объетларнинг тезкор алмашинуви билан боғлиқ жараёнлар “бир вақтда аниқлаш” функцияси ёрдамида ечилиши мумкин. Бу функция икки камерали машина қўриш тизимиининг 4 тагча турли объектларни аниқлаш қобилиятига эга. Бунда юқори қайтариш хоссаларига эга бўлган объектлар ҳам бўлиши мумкин.


Камера хотираси бир вақтнинг ўзида 16 та объект ақилда маълумотлар сақлаш имконига эга. Тасвирга олиш соҳасида объектлар тартибли ҳаракатланиши лозим, чунки камера ҳаттоқи сезиларсиз бўлган силжишларни аниқлашга қодир. Объектнинг мешжалдан оғиши турли солдиштиришлар ёрдамида бажарилади, масалан:

- пикселларнинг натижавий қийматини солиштириш;
- пикселларнинг минимал йифиндиси;
- шаклларни солиштириш.

Ўргатиладиган датчиклар



Smart - камералар



IVC-2DvaIVC-3D камералар турли инспекциялар учун ишлатилади. Ўрнатилган дастурий таъминт кенг диапазондаги масалалар учун дастурлар тузиш имокнини беради. Smart – камераларнинг ўзига хос томонлари шунда-ки, тузилган дастур камера хотирасида сақланиши ва компьюетрга уланмаган ҳолда мустақил ишлаши мумкин.

Машина қўриши тизими камераси



Ranger ва Ruler 3D камералари, юқори маҳсулдорликка ва юқори аниқликка эга бўлган қурилма бўлиб, унинг уч ўлчамли моделини тузиш мақсадида кўп сонли профилларни тузиш учун ишлатилади. 3D камералар фақат ташқи қурилмалар ёрдамида бошқарилади ва ўзида бирорта бошқарув дастурларига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам фақат тизимнинг бир қисми сифатида ишлатилиши мумкин. Шунга қарамасдан, мазкур қурилмалар кенг имокниятларга эга бўлиб, жаҳондаги энг аниқ қурилмалардан саналади.

Назорат саволлари

1. Техник кўриш тизимлари деганда нима тушунилади?
2. Видеодатчикларга таъриф беринг.
3. Техник кўриш тизими структура схемасини чизинг ва ишлаш принципини тушунтиринг.
4. Техник кўриш тизимига қўйиладиган талабаалрни санаб ўтинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Yusupbekov N.R., Aliyev R.A., Aliyev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellektual tizimlari va qaror qabul qilish. – Toshkent: «O’zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2015. -572 b.
2. С.А. Воротников. Информационные устройства робототехнических систем - Информация скопирована с сайта <https://robotics.ua>.
3. Юсупбеков Н.Р., Алиев Р.А., Алиев Р.Р., Юсупбеков А.Н. Интеллектуальные системы управления и принятия решений.-Ташкент:
4. Назаров Х.Н. Робототехник тизимлар ва комплекслар. Ўқув қўлланма – Т.” ИҚТИСОД-МОЛИЯ”,2010-69 б
5. www.myrobot.ru/books/bishop.php
6. nashol.com›...informacionnie-ustroistva-i-sistemi-v...
7. bookfi.net›book/758645
8. eknigi.org›nauka...ucheba...informacionnye-ustrojstva...

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Ўзгартиргичлар ва энкодерларнинг параметрлари таҳлили

Ишдан мақсад: Ўзгартиргичлар ва энкодерларнинг ишини ўрганиш ва параметрларини таҳлил этиш

Масаланинг қўйилиши

1. Ўзгартиргичлар. Электр ўзгартиргичлар
2. Ноэлектр катталиклар. Оптик датчиклар
3. Физик катталиклар. Босим, температура, тезлик, тезланиш


Машғулот вазифалари:

Ўзгартиргич – одатдаэлектрик, электрон, электромеханик, электромагнит, фотонли ёки фотоэлектрик бўлиб, бир турдаги энергияни иккинчисига айлантиради. Ўзгартиргич ибораси икки мъянода ишлатилади: бир кўринишдаги катталикини аниқлаш ва уни бошқа кўринишга ўзгаришувчи датчиклар ва кучланишнинг электр ўзгаришларини мусиқа ёки нутқга айлантирувчи аудио баландгапиргич.

Электр ўзгартиргичлар миқдорини бевосита усулда ўлчаб бўлмайдиган бир турдаги катталикларни, масалан, босим, силжиш, температура, намлик, суюқлик сатҳи ва бошқаларни ўлчаш мақсадида бошқа турдаги, масалан электр энергияга айлантирадилар.

Машғулотни бажариш тартиби:

1. Физик катталикларнинг кўп қисми ноэлектр катталикларга киради (ҳарорат, намлик, ёритилганлик, тезлик, тезланиш, силжиш ва х.з.). Бундай катталикларни ўлчашда ўлчов натижаларини масофадан ўлчаш, узатиш, қайд этиш ва қайта ишлаш талаб этилади. Шу сабабли бу муаммоларни ечиш мақсадида ноэлектр катталикларни Хн.э электр катталикларга Хэ айлантириш талаб этилади. Бунда электр катталик ноэлектр катталика $X_э = f(X_{н.э})$ функционал боғлиқ бўлиши керак. Олинган электр сигнал электр ўлчов асбоблари ёрдамида ўлчанади ёки алоқа линиялари орқали узоқ масофаларга узатилади.
2. Ноэлектр катталикларни электр катталикларга айлантириш махсус ўлчов асбоблари – датчиклар ёрдамида амалга оширилади (1.1-расм).
3. Ҳар бир ноэлектр катталикини электр усулда айлантириш схемаси ўлчов ўзгартиргичига эга.



1.1-расм. Ноэлектр катталикларни электр катталикларга айлантириш тузилма схемаси.

4. Ўлчов ўзгартиргичлари ўлчанаётган катталик турига (ҳарорат, босим, намлик ва бошқаларни ўлчов асбоби) ва чиқишидаги катталик (генераторли, параметрик) кўра синфланадилар. Ўлчов асбоблариниг асосий метрологик тавсифномалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- ўзгартиришнинг номинал статистик тавсифи;
- сезгирилик;
- асосий ва қўшимча хатолик;
- динамик тавсифномалар ва бошқалар.

Саноат томонидан ҳам алоҳида ноэлектр катталикларни ўлчов ўзгартиргичлари, ҳам ноэлектр катталикларни ўлчашга мўлжалланган датчиклар (инглизча sensor, gauge) ишлаб чиқарилади.

Ўлчанаётган ноэлектр катталик унинг ўлчов оралиқларини ЎА билан мослаштириш ва ЎА учун янада қулай кўринишга келтириш мақсадида бир неча марта ўзгартирилиши мумкин. Бундай ўзгартиришларни амалга ошириш учун дастлабки ноэлектр катталикларни электр катталикларга ўзгартиргичлар (масалан, мемброналар, анероид трубкалар, пружиналар ва бошқалар) киритилади. Оралиқ курилмалар сони ортган сари, албатта натижавий хатолик ҳам ортади. Хатоликларни камайтириш мақсадида дифференциал ўлчов асбоблари киритилади. Улар кичик аддитив хатоликка, кичик ўгириш ночизиқли функциясига ва юқори сезгириликка эгадирлар.

Саноат томонидан ишлаб чиқарилаётган ва ноэлектр катталикларни ўлчашга мўлжталланган электр ўлчов асбоблари жуда турличадир. Шунинг учун биз мазкур маъruzada шулардан: температура, босим, ўлчамлар ва масофалар, суюқ ва газсимон муҳитлар концентрациясини ўлчаш масалаларини кўриб чиқамиз.

Генераторли датчикларни чиқишидаги сигнал бўлиб ЭЮК, кучланиш, ток ёки электр заряд ҳисобланади. Улар датчикка таъсир этаётган физик катталик билан функционал боғлиқдирлар. Уларнинг асосий фарқи шундаки, бу датчикларни ўзи энергия манбаи ҳисобланадилар.

Датчиклар меҳатрон ва робототехник тизимларда муҳим роллардан бирини ўйнайди. Турли датчиклар ёрдамида робот ўз-ўзини ва атроф муҳитни “ҳис қиласди”. Бунга кўзлар, қулоқлар, роботлар учун терикаби сезги


органлари киради. Кўп ҳолларда контактсиз датчиклар деб аталувчи ўлчов асбобларининг тор синфиҳам сенсорлар деб аталади. Демак, датчик ва сенсор иборалари синоним ҳисобланади.

Шулардан ноэлектр катталиклар (силжиш, яқинлашиши ва ёритилганлик)ни ўлчашга мўлжалланган оптик датчиклар конструкциясини кўриб чиқамиз (1.2-расм).

Мазкур датчиклар базавий сезгир элемент (фоторезистор ёки фотодиод) ва уни ўлчов схемаси билан мослаштирувчи ўлчов схемасидан ташкил топган. Келтирилган асбобларда яқинлашувнинг иккита усули кўрсатилган: тўғри (бевосита) ёки сканировочи ва қайтарувчи.

Бу қурилмаларнинг афзаллиги шундаки, улар обьектнинг температуравий майдонини ўзгартирмайди ва юқори температураларда чекловларга эга эмас.

5. Пирометрларнинг ишлаш принципи қиздирилган жисмларни энергияни нурлатиши уларнинг температурасига боғлиқлигига асосланган. Температуравий нурланиш улар олиб ўтаётган энергия билан таснифланади



**1.2-расм. Оптик датчиклар: а-қайтарувчи (ретрорефлектив);
б-кўзгули; в-диффузион.**

Роботларни оптик датчикларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Улар ёрдамида аппарат атрофо муҳитни кўради. Бу сензорлар фоторезистор

ёрдамида ишлайди. Акс эттириш датчиғи (нурлатгич ва қабул қилгич) сиртдаги қора ва оқ соҳаларни ажратиш имокнини беради, масалан, ғилдиракли роботни чизилган чизик бўйлаб ҳаракатлантириш учун. Ёруғлик манбаи сифатида линзага эга инфрақизил ёруғлик диоди, детектор сифатида эса – фотодиод ёки фототранзистор ҳизмат қиласи.

Бу борада видеокамераларнинг ҳам роли катта. Улар деярли роботнинг қўзи ҳисобланади. Датчикларнинг бу тури бугунги кунга келиб тасвирларни қайта ишлаш соҳасида технологияларнинг ривожланиши эвазига кенг қўлланилмоқда. Роботлардан ташқари видеокамералар кўп ерларда ишлатирави, жумладан: идентификациялаш тизимларида, образларни таниш, ҳаракатни сезиш ва х.з.

Температура датчиклари – яна бир фойдали қурилма бўлиб, замонавий қурилмаларда кенг ишлатилади. У турли муҳитларда температурани автоматик усулда ўлчаш учун ҳизмат қиласи. Компьютерлардаги каби, роботларда ҳам бу қурилма процессор температурасини назорат қилиш ва ўз вақтида уни совутиш учун ишлатилади.

Реостатли (резистив) датчиклар параметрик ўзгартиргичлар ичидаги ишлаши жуда соддаси ҳисобланади. Одатда улар ўзгарувчан резисторни ифодалайдилар. Улар манба занжирига уланган ҳолда силжувчи контактни силжишига боғлиқ равишда ўз қаршилигини ўзгартирадилар ва мос равишда занжирда қайд этилаётган ток қийматини ўзгартирадилар. Бу эса датчик чиқишидаги сигнал ҳисобланади (3.9-расм).

Ўзгарувчи резистор реостатли уланиш схемасида бўлиши мумкин, бу вақтда у занжирдаги токни бошқаради.

Барча резистив ўзгартиргичларни камчилиги бўлиб уларнинг кичик ишончлилиги ҳисобланади, чунки силжувчи контакт эскириши сабаб бўлади. Афзалликларига ўзгартиришнинг юқори аниқлиги, чиқишидаги сигналнинг нисбатан катта даражаси, конструкциясининг соддалиги ва нисбатан арzonлиги киради.

Магнит катталикларни ўлчашнинг турли технологиялари мавжуд. Ҳар бир техника ўзига хос ноёб хоссаларга эга бўлиб, аниқ бир вазиятдан келиб чиқиб танланади. Магнит катталикларни ўлчаши анча мушкул ва аниқлиги юқори эмас. Биринчидан, магнит катталикларни айни ўзини ўлчаб бўлмайди, балки уларнинг предметларга таъсири орқали ўлчанади. Иккинчидан, магнит оқимининг йўналиши аниқ бўлмайди, назорат қилиб бўлмайди.

Магнит катталиктарни ўлчаши икки гурухга бўлинади: ўзгарувчан ток занжирларида ва ўзгармас ток занжирларида. Ўзгармас токда ўлчашида электр майдон кучи, оқими, ўтказувчанилиги, гистерезис сиртмогини аниқлаши мумкин бўлиб, бу усул одатда қаттиқ материаллар, кўп қатламли материалларда қўлланилади. Ўзарувчан токда ўлчашида ўзгарувчан магнитланиши шароитларида магнит материаллардаги йўқотишларни ўлчаши эвазига амалга оширилади.³

Ўзгартиргич конструкцияси силжишларни диапазони билан аниқланади. Ўзгартиргич ўлчамлари чиқищдаги сигналнинг талаб этиладиган қувватидан келиб чиқсан ҳолда танланади.

Индуктив ўзгартиргичларни чиқиш параметрларини ўлчашда қўпроқ кўприк (мувозанатли ва номувозанатли) занжирлар қўлланилади, ҳамда дифференциал трасформаторли компенсацион (автоматик асбоблар) занжирлар қўлланилади.

Индуктив ўзгартиргичлар силжишлар ва бошқа ноэлектр катталиктарни ўзгартиришда қўлланилади. Бошқа ўзгартиргичларга нисбатан индукцион ўзгартиргичлар чиқищдаги сигналнинг катта қуввати, соддалиги ва ишончлилиги билан фарқланади. Камчиликларига ўзгартиргичларни тадқиқ этилаётган объектга тескари таъсирини ва якорь инерциясини асбобнинг частота тавсифларига таъсири киради.

Назорат саволлари

- 1. Ўлчов ўзгартиргичлари қандай вазифани бажаришади?**
- 2. Ўлчов ўзгартиргичлари қандай синфланади?**
- 3. Генераторли ўзгартиргичларга таъриф беринг.**
- 4. Термоэлектр ўзгартиргичларни ишлаш принципини изоҳланг.**
- 5. Пьезоэлектрик ўзгартиргичларни ишлаш принципини изоҳланг. У қаерларда қўлланилади?**
- 6. Фотоэлектр ўзгартиргичларни ишлаш принципини изоҳланг.**
- 7. Параметрик ўзгартиргичларга таъриф беринг.**

³P.Purkait, B.Biswas, S.Das, Ch. Koley, Electrical and Electronics Measurements and Instrumentation, Mc. Grow Hill Education (India)Private Limited, 2013.

8. Тензосезир датчиклар қаерларда қўлланилади?

Фойдаланган адабиётлар

9. Yusupbekov N.R., Aliyev R.A., Aliyev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellektual tizimlari va qaror qabul qilish. – Toshkent: «O’zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2015. -572 b.
10. С.А. Воротников. Информационные устройства робототехнических систем - Информация скопирована с сайта <https://robotics.ua>.
11. Юсупбеков Н.Р., Алиев Р.А., Алиев Р.Р., Юсупбеков А.Н. Интеллектуальные системы управления и принятия решений.-Ташкент:
12. Назаров Х.Н. Робототехник тизимлар ва комплекслар. Ўкув қўлланма –Т.” ИҚТИСОД-МОЛИЯ”,2010-69 б
13. www.myrobot.ru/books/bishop.php
14. nashol.com/...informacionnie-ustroistva-i-sistemi-v...
15. bookfi.net/book/758645
16. eknigi.org/nauka...ucheba...informacionnye-ustrojstva...

2-амалий машғулот: Видеодатчиклар ва видеокамералар

Ишдан мақсад: Техник кўриш тизимлари (видеодатчиклар ва видеокамералар)нинг ишлаш тамоиллари билан танишиш.

Масаланинг қўйилиши

1. Техник кўриш тизими учта асосий тамоиллар.
2. Техник кўриш тизимининг умумлашган тузилма схемаси.
3. Тасвирни киритиш блоки ишлаш тамоиллари.
4. Саноат роботининг ТКТни яратишда қўйидаги талаблар.

Машғулот вазифалари:

Техник кўриш – объектларни аниқлаш, кузатиш ва синфлашни амалга оширадиган машиналарни яратиш назарияси ва технологияси билан шуғулланади. Илмий фан сифатида компьютерли кўриш информациини тасвирдан оладиган сунъий тизимларни яратиш назарияси ва технологиясига таълуқлидир. Олинган видеомаълумотлар кўп усулда ифодалаш мумкин, жумладан: видео кетма-кетлик, турли камералардан олинган тасвир, ёки уч ўлчамли маълумотлар.

Техник кўриш тизимлари саноат миқёсида автоматик жараёнларни кузатиш жараёнларида, ишлаб чиқариш самардорлигини ҳамда маҳсулот сифатини ошириш мақсадларида кенг қўлланилади. Техник кўриш тизими **учта асосий тамоилни** ўз ичига олади:

- Тасвирни қабул қилиш;

- Тасвири қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Қайта ишлаш натижаларини технологик жараённи бошқариш тизимиға узатиш.


Техник кўриш тизимларида қўлланиладиган услублар ва ёндошувларни синфлаш мақсадида уч гурухга бўлиш мумкин:

- паст даражадаги кўриш;
- ўрта даражада кўриш;
- юқори даражада кўриш.

Паст даражадаги кўриш тизимлари сезгилаштириш датчикларидан олинадиган информцияларни қайта ишлаш учун мўлжалланган. Ўрта даражадаги кўриш тизимлари алоҳида обьектларни сегмантлаш, изоҳлаш ва ажратиб олиш масалаларини ечишга қаратилган. Бу масалалар аналитик ифодалашга асосоланган кўр ёндошувчларни қамраб олади. Юқори даражадаги кўриш тизимлари кузатиш муаммоларини ечишга қаратилган бўлиб, кўп сонли ўзаро боғлиқ бўлмаган белгилар ичидан керагини ажратиб олиш, олинган маълумотларни бошқа мақсадларда қўллай билиш, тўлик бўлмаган информация ёрдамида ҳодисаларни тўлиқ тиклаш, бу мақсадларга эришиш учун режа шакллантириш каби вазифаларни бажара олади.

Ишни бажариш тартиби:

1. **Техник кўриш тизими (ТКТ)нинг умумлашган тузилма схемаси 5.2-** расмда келтирилган. Бу тузилма кокрет илова ва техник реализациясига кўра ўзгариши мумкин. ТКТ лар аксарият рақамли тизимларда қўлланилиши сабабли, бу тузилмани микроЭХМ ёки микропроцессор билан биргаликдаги схемасини кўриб чиқамиз.



2.1-расм. ТКТ ва саноат роботини бошқариш тизими түзилмаси.

ТКТнинг келтирилган варианти функционал жиҳатдан автоном ҳисобланади, чунки, тасвирларни қайта ишлашга мүлжалланган маҳсус процессордан ташқари унинг таркибига микроЭХМ ҳам киради. У тасвирни қайта ишлаш, режалаштириш тизими билан робот ҳаракатини бошқариш ўртасида ахборот алмашиш ва процедураларини бажариш кетма-кетлигини бошқаради. Шу билан бирга ТКТни ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларига адаптацияланиш турли алгоритмларини амалга оширишни таъминлайди.

2. ТКТнинг муҳим блоки бўлиб **тасвирни киритиш блоки** ҳисобланади. Унинг таркибига тегишли оптик датчик уланишини таъминловчи дастурий-бошқариладиган коммутатор, аналог-рақамли ўзгартиргич ҳамда буферли хотира қурилмаси киради.

